**Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларга дори-дармон ва тиббий воситаларни етказиб бериш тўғрисида**

# Ш А Р Т Н О М А № 32/1

**Қарши ш.** **«17» январ 2022 й.**

**«Қашқадарё Дори-Дармон» масъулияти чекланган жамияти** (кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади) номидан узининг Низоми асосида иш юритувчи жамият директори **Н.Я.Ҳусанов** бир томондан ва **Респ ихт наркология илмий амалий тиб марк ҚФ** (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан Ўзининг Низоми (устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Б. Мухаммаднопов (вазифаси, фамилияси, исми) иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МОҲИЯТИ.

1.1.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни бир маротабали ёки йиллик талабномаси асосида дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш, «Истеъмолчи» олган маҳсулот қийматини «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб-рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2.Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий баҳоси 135680 (Бир юз ўттиз беш минг олти юз сакс) сўмни ташкил этади. Етказиб берилган дори-дармонлар ва тиббий воситалар бўйича ҳисоб-китоблар мазкур шартноманинг графиги асосида бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилги харажатлар сметасидаги лимитлардан ошмаган ҳолда тўланади.

## 2. МАҲСУЛОТ СИФАТИ.

2.1. «Истеъмолчи»га ЎзРда фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 50% дан кам бўлмаган дори-дармонлар ва тиббий маҳсулотлар етказиб берилади.

## 3. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. Шартномага илова қилинадиган дори-дармон воситаларини етказиб бериш 2022 йил Январ гача амалга оширилади.Шартномада кўрсатилан сумма спецификация орқали амалга оширилади.

3.2.Гиёҳванд, прекурсорлар, заҳарли ва психотроп дори-дармонлар «Истеъмолчи» томонидан тегишли ҳуқуқий органлар томонидан махсус рухсатномалар билан «Таъминотчи»нинг омборхонасидан олиб кетилади.

## 4. ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 135680 сўмни ташкил этади.

4.2. Сотиб олинадиган дори-дармон учун олдиндан тўлов миқдори 40704 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 % фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг Январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 94976 сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 % фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 30 кун ичида,яъни 2022 йил Декабр гача амалга оширилади.

4.3. Тўлов шакли нақд пулсиз, пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1.Томонлар ушбу шартномани қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун мулкий жавобгардирлар.

5.2.Шартноманинг 4.1. бандига асосан «Истеъмолчи» маҳсулотнинг тўланмаган қийматини бир ойдан кечиктириб тўлашга йўл қўйса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида жавоб беради.

5.3.Шартноманинг 2.1. бандига асосан «Таъминотчи» томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда «Таъминотчи» сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2.Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор килиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жавобгар жойлашган ҳудуднинг иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

6.3.Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошка барча масалаларни тарафлар ЎзР Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.,